

УЎК: 625.62; [635.527](#)

БАРГЛИ САЛАТ ЎСИМЛИГИНИ БАҲОРГИ МАВСУМДА ЕТИШТИРИШ МУДДАТЛАРИ

Турдиева Ферузахон Тиркашбоевна

*“Мева сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси катта ўқитувчиси
Қ.х.ф.ф.д. (PhD), Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини*

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Фарғона водийси шароитида баргли салат (*lactuca sativa var.crispa*) ўсимлигининг баҳорги экиш муддатларини вегетация давомийлиги, ўсимлик баландлиги, барг тўплами диаметри, узунлиги, эни, барг тўплами массасига ва товарбоплигига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: баргли салат, вегетация давомийлиги, барг тўплами, барг тўплам массаси.

СРОКИ ВЫРАЩИВАНИЯ ЛИСТОВОГО САЛАТА В ВЕСЕННИЙ ПЕРИОД

Турдиевой Ферузахон Тиркашбоевна

*Старший преподаватель кафедры “Плодоовощеводство и виноградарство” Кандидат сельскохозяйственных наук (PhD)
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий*

Аннотация. В данной научной статье рассматривается влияние сроков посадки салата-латука посевного (*lactuca sativa var.crispa*) на продолжительность вегетации, высоту растений, диаметр, длину, ширину и массу пузырей листьев в Ферганской долине.

Ключевые слова: листовой салат, продолжительность вегетации, завязь, масса завязи.

LEAF LETTUCE CULTIVATION PERIODS IN SPRING

Turdiyeva Feruzakhon Tirkashboyevna

Senior Lecturer, Department of “Fruit and Vegetable Growing and Viticulture” PhD in Agricultural Sciences

Annotation. *This scientific article examines the effect of planting times of leaf lettuce (*lactuca sativa var.crispa*) on the duration of vegetation, plant height, leaf bladder diameter, length, width and leaf bladder mass in the Fergana Valley.*

Keywords: *leafy salad, duration of vegetation, leaf set, leaf set mass.*

Кириш. Сабзавотчилик дунё деҳқончилигида энг қадимий асосий ва етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Сабзавот экинларининг характерли хусусияти шундан иборатки, кичик майдонларда етиштириш, ўсув даври қисқалиги (кўпчилик экинларда), иқтисодий самарадорлигининг юқори бўлишидир. Мана шундай сабзавот экинларимиздан бири барг салатидир. Ҳозирги пайтда салатнинг турли шакллари дунёнинг турли минтақаларида ҳам очик майдонларда, ҳам ҳимояланган ерларда етиштирилмоқда. Бирок Ўзбекистон марказий минтақасида барг салат (*lactuca sativa var.crispa*) навларини танлаш ва етиштириш технологияси элементларини ишлаб чиқиш масалалари тўлақонли ўрганилмаган [2, 3, 5].

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте» (М., ВНИИССОК), «Методическим указаниям по селекции зеленных, пряно-вкусовых и многолетних культур», «Методическим указаниям по изысканию коллекции капусты и листовых зеленных культур (салат, шпинат, укроп)», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» [1] каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида дисперсион услуб (Б.А.Доспехов) асосида амалга оширилди [4].

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар бош салат навлари уруғларини эрга тўғридан-тўғри экиш билан ўтказилди. Фарғона водийси жанубий

шароити учун назорат варианты сифатида умумий экиш муддати 20 феврал куни қабул қилинди.

Лолло Росса салат навида экишдан униб чиқишгача бўлган давр ҳар хил экиш муддатларида 6 дан 10 кунгача ўзгарди (1-жадвал). 2020 йилда экишдан униб чиқишгача бўлган энг қисқа давр (7 кун) 10 март экиш санасида кузатилди. 2021 йилда барча экиш муддатлари учун бу давр ўртасида сезиларли фарқ кузатилмади.

2020-2021 йилларда униб чиқишдан то техник этуклигига қадар бўлган давр 46 дан 50 кунгача бўлганлигини кузатилди. 2020 ва 2021 йиллардаги энг қисқа (46) давр 10 март экиш муддатида қайд этилди, бу назорат вариантга нисбатан мос равишда 4 кунга кам.

1-жадвал

Барг салатининг экиш муддатларини ўсиш ва ривожланишига таъсири, Лолло Росса нави (2020-2021й)

экиш муддати	Муддат				Давр, кунлар					
	оммавий униб чиқиши		техник пишиш		экишдан кўчатгача			униб чиққандан техник пишиб етилишгача		
	2020	2021	2020	2021	2020	2021	ўртача	2020	2021	ўртача
01.02.	10.02.	09.02.	28.03	29.03	10	9	9±	47	49	48
10.02.	18.02.	19.02.	04. 04.	06. 04.	9	10	9±	46	48	47
20.02. (назорат)	27.02.	28.02.	16.04	19.04	8	9	8±	49	51	50
01.03.	07.03.	08.03.	25.04	24.04	7	8	7±	49	47	48
10.03.	06.03.	05.03.	21.04	23.04	7	6	6±	45	47	46

Бу ўсишнинг тезлашиши ва ривожланишнинг репродуктив босқичига тез ўтиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати бошқа экиш муддатларидан юқори бўлганлиги сабабли кузатилди.

2020 йилда ўрганилган экиш муддатлари билан экишдан кўчатларгача бўлган давр (2007 йилга нисбатан деярли тенг бўлди) ва

кўчатлардан техник пишишгача бўлган даврнинг узайиш ($2\pm$ кунгача) тенденцияси мавжуд бўлиб турди.

Экишдан то униб чиқишгача бўлган даврнинг энг қисқа муддати (6 кун) 10 мартдаги экиш пайтида ва униб чиқишдан то товар пишишгача бўлган давр (45 кун) ҳам шу вариантда кузатилди.

2-жадвал

Салат ўсимликларининг морфологик кўрсаткичлари, Лолло Росса нави (2020-2021йй)

Экиш муддати	Ўсимлик баландлиги, см	Барг тўпламининг диаметри, см	Барг			Барг тўплами массаси, кг		Товарбоплиги, %
			сони, дона	узунлиги, см	эни, см	Бир туп ўсимликда	Бир пагона метрда	
01.02.	16	14	12	10	7	0,185	1,85	96
10.02.	18	16	12	11	8	0,191	1,91	94
20.02. (назорат)	19	17	11	10	8	0,198	1,98	87
01.03.	20	18	10	14	9	0,220	2,20	80
10.03.	21	19	12	13	10	0,217	2,17	77
Экф ₀₅	-	-	-	-	-	-	0,8	-
S ^x	-	-	-	-	-	-	0,5	-

2-жадвал маълумотлари асосида морфологик белгиларнинг энг юқори кўрсаткичлари назорат экиш санаси – 20 мартга нисбатан экиш муддатлари – 1 ва 10 март бўлган вариантларда кузатилди. Бу экиш даврларида ўсимлик баландлиги 20-21 см, розет диаметри 18-19 см, барг сони 10-12 дона ва розет оғирлиги назорат экиш муддати (0,198 кг)га нисбатан 0,019-0,022 кг га кўпроқ бўлганлигини кўришимиз мумкин.

2020 ва 2021 йилларда баргининг энг юқори ҳосилдорлиги 1 мартда экилган вариантда кузатилди ва 2,20 кг/м² ни ташкил этди, бу назорат давридаги экиш муддатидан 0,22 кг/м² га кўп бўлди лекин маҳсулотнинг товарбоплиги 7 % га кам бўлди.

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда ўртача кунлик ҳаво ҳарорати кўп йиллик кузатилган ҳароратга нисбатан юқорироқ бўлди бу эса салат

Ўсимлигининг тезроқ пояланишига олиб келди, бунинг натижасида 1 ва 10 март саналарида экилган салат ўсимлигининг товарбоплиги (мос равишда 80-77 %) бошқа вариантларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлди.

Экиш муддатларининг барг салатининг ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири таҳлил қилинганда, ўсимликлар юқори биокимёвий кўрсаткичларни 1 ва 10 феврал экиш санасида ташкил этиши маълум бўлди. Шунингдек ушбу вариантлардан олинган ҳосилнинг 96-94 % қисми истемолга яроқли бўлди ва бу кўрсаткич назорат вариантыдан 7-9 % га юқорироқ бўлди.

Салатнинг кўп навлари учун уруғларнинг униб чиқиши пайтида юқори ҳарорат чегараси +20°C дан + 25°C гача ўзгариб туради. Юқори ҳароратларда уруғлар мажбурий уйқу ҳолатига ўтади, улар паст ҳарорат таъсирида кейинчалик униб чиқиши мумкин.

Турли экиш муддатларининг барг салатининг бош тўпламларининг ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, 1 ва 10 март экиш муддатларида экилган вариантлардан олинган ҳосил бошқа вариантларга қараганда юқори бўлди, лекин товарбоплиги жудаям паст бўлганлиги кузатилди. 1 ва 10 феврал экиш муддатларидан олинган ҳосил юқори биокимёвий кўрсаткичлар ва товарбопликга эга бўлди. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб Фарғона водийси шароитида баргли салат ўсимлигини етиштириш учун энг қулай экиш муддати 1 ва 10 феврал саналари эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. М.: 1992. –С.170
2. Бустанов З.Т. Турдиева Ф.Т. Фарғона водийси шароитида салатни қиш олдида экиш ва уларни хўжалик-биологик баҳолаш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали Агро-илм илмий иловаси. Тошкент, 6 [56] сон, 2018. 43-44-б.

3. Бустанов З.Т. Турдиева Ф.Т. Хозяйственно-биологическая оценка зарубежных сортообразцов салата при подзимнем посеве в условиях Андижанской области. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент, 3 (73) 2018. –С 9-12.
4. Доспехов, Б.А. Методика полевого опыта. М.: Агропромиздат, 1985.-351 с.
5. Остонакулов Т. Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О. Қ. Сабзавотчилик (дарслик). – Т.: 2008. – 369 бет.